

Маҳзунлик йили



18:00 / 17.03.2020 3577

Қамал тугагандан бир неча ой ўтиб, пайғамбарликнинг 10-йили Абу Толиб ва Хадийжа онамиз бирин-кетин вафот этдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу айриликлар туфайли жуда қаттиқ маҳзун бўлдилар. Шундан кейин Қурайшнинг Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга озорлари яна ҳам кучайди, чунки Абу Толиб ҳам, Хадийжа онамиз розияллоҳу анҳо ҳам у зот соллalloҳу алайҳи васалламни озорлардан ҳимоя қиладиган қалқон эдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга қурайшликларнинг ичида энг қаттиқ озор етказадиган шахс у зотнинг амакилари Абу Лаҳаб ва унинг хотини эди. Абу Жаҳл ва Уқба ибн Абу Муайтлар ҳам шулар жумласидан эди. Улар етказган азоб-уқубатлар шу даражага етдики, ҳатто Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни уришгача, намоз ўқиб турганларида ифлос

нарсаларни устларига тўкишгача ботинишди.

Бир куни Қурайшнинг эсипастларидан бири Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларидан тупроқ тўкиб юборди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига бошлари тупроққа беланган ҳолда кириб бордилар. У зотнинг қизларидан бири йиғлаб, бошларидаги тупроқни ювдилар. У зот эса: **«Қизгинам, йиғлама. Отангни Аллоҳнинг Ўзи сақлайди»**, дер эдилар.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиётиб саждага борганларида, Уқба ибн Абу Муайт туянинг қорнини олиб келиб у зотнинг бошлари аралаш елкаларига ташлади. Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак бошларини кўтара олмай қолдилар. Кофирлар эса бир-бирларига қараб кулар, ҳеч ким бирор ёрдам қилишга ботина олмас эди. Охири бир одам бориб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Фотимани чақириб келди. Фотима келиб, ўша нарсани у зотнинг устларидан олиб ташлади ва мушрикларни қарғади.

«Ислom тарихи» биринчи китобидан